



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 177 (7317).

16 сентябрь, 1980 йил

СЕШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик!

„ЗАНГОРИ КЕМА“ ДАРГА КЕНТ ЙЎЛ



ТЕЛЕФОНЛАР: 325647, 334048
334808, 325353

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ПИСКЕНТ районидagi Свердлов номи колхозининг Умар Йўлчиев етакчилиги қилаётган пахтачилик бригадаси аъзолари бу йилги мавсумда дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Улар йилги ўзлаштирилган 50 гектар эгизилган, йилгич-термин ҳам биринчилар қатори бошлаган эдилар. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан 18 центнердан, хирмон кўтарилиб, қабул пунктларига 90 тонна «оқ олтин» етказиб берилди ва йиллик халқ хў-

жалик лани муддатдан илгари бажарилди. Шуниси диққатга сазоворки, давлатта тошпирилган пахтанинг ҳаммаси «зангори кема»лар билан териб олинди. Бунда Тўлаган Йўраев, Ислом Гулматов ва Исмомил Қудратов сингари тажрибали механик-ҳайдовчиларнинг хизматлари катта бўлди.

Хўжаликда биринчи бўлиб зафар кутган илгор бригада коллективни ўз имкониятларини аниқ ҳисобга олиб, ҳар гектар майдондан яна 18 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга қарор қилди. Бригада далаларида терим

агрегатлари юксак унум билан ишлатилмоқда.

КУНИГА 10 ПРОЦЕНТДАН

ҒАЛАБА районидagi «Москва» колхозининг 43 центнерга етказиш мажбуриятини олган. Айни кунларда хўжалик пахтазорларида машина термини оммавий бошлаб юборилди. Мавжуд 23 та «зангори кема»нинг 15 таси далаларга олиб чиқилди. Ҳар бир машинада кунига 7—8 тоннадан пахта терилмоқда.

Колхоз аъзолари пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик ланини 3 октябрда, социалистик мажбуриятини эса 10 октябрда бажариш учун кураш олиб бораётирлар. Айниқса, хўжаликнинг йилгишо Шохимардонов етакчилигидаги бригада далаларида пахта йиғим-теримини жадал суръатларда давом эттирди. Бу ерда туртки терим машинаси юксак унум билан ишлатилиб, кунига йиллик ланининг 8—10 проценти миқдориди пахта тайёрланмоқда.

Бу йилги мавсумда 200 тоннадан «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган

механик-ҳайдовчилардан Имомали Ганибоев ва Илос Айвазовлар социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

ИЛГОРЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ

МАРИЯ Маматова етакчилик қилаётган бригада Бўка районидagi Ильич номи колхозининг ташаббускор, карбонбоши коллективларидан ҳисобланади. Бригада аъзолари ҳар йили пахта йиғим-теримини мавсумига пухта тайёргарлик қилиб, уни уюшқоқлик билан ўтказадилар ва биринчилар қатори ғалаба рапортига имзо чекадилар.

Пешқадам коллектив бу йил ҳам карбонбошиликни қўлдан бермаслик учун астойдил курашмоқда. Бунда кўп миңкилограммчи теримчилар ҳаракати айниқса, диққатга сазовордир. Ҳар мусобақалашиб пахта тайёрлаш Шаҳодат Қўлоқова, Фазада Алматова ва Муҳаббат Маматова сингари чевар теримчилар ҳар кун бригаданинг 150 килограмдан охириб «оқ олтин» тўкмоқдалар.

65 гектар майдоннинг ҳар

гектаридан камиди 50 центнердан дурдона йиғиштириб олиб умумий хирмони 325 тоннага етказиш ва ҳар йил, глек биринчи бўлиб зафар куттиш ташаббускор коллектив аъзоларининг шу кунлардаги меҳнат широридир.

СУРЪАТ ҚАНОТИ

Янгийўл районидagi «Интернационал» колхозини механик-ҳайдовчилари пахтазорларга 30 та «зангори кема»ни олиб чиқдилар. Машина теримининг бошланиши суръатта-суръат қўшди.

Хўжаликда пахта терими ва тайёрлашда Х. Норов бошлиқ бригадада коллективни пешқадамлик қилипти. Ҳозир бригадада пахта далаларида учта «зангори кема» юксак унум билан ишлатили. Моҳир механик-ҳайдовчилар Ш. Аблаберганов, Х. Фаттохов, Ғ. Замоновлар агрегатлари бункеридан хирмонга 6—7 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқдалар. Шу тўғрисида бригадани кунига қабул пунктга ланининг 8—10 проценти миқдориди пахта жўнатишмоқда. Пахтакорлар ланини 20 сентябргача бажаришни мўлжаллашапти.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам терим суръати ортипти. Бунда йили ҳосилнинг 90 процетини машиналарда териб бериш мажбуриятини олган механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлмоқда.

Содиқжон Дехонов Бўка районидagi «Кўкорол» колхозининг илгор механик-ҳайдовчиларидан биридир. У айни кунларда хўжаликнинг биринчи бўлими далаларида ўз агрегатини юксак унум билан ишлатиб, ҳам касбларига ўрнатилган, С. Дехонов мавсумда 170 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган.

А. Абалия фотолари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ
КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА ОБЛАСТЬ
КОМСОМОЛ КОМИТЕТИДА

МУКОФОТ МУБОРАК, ЧОРВА ДОРЛАР!

1979—1980 йИЛЛАР ҚИШ ДАВРИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ ҚЎЛГА КИРТИШ, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ХЎЖАЛИКЛАРАРО ҚОРХОНАЛАР ОБЛАСТЬ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА

ТОШКЕНТ области партия комитети, области ижроия комитети, области касабасоюзлари Совети ва области комсомол комитети 1979—1980 йиллар қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни қўлга киритиш, давлат хўжаликларини мусобақаси якунларини қўриб чиқиш, чорвадорлар ва барча области қишлоқ меҳнаткашлари, кўпгина район ва хўжаликларнинг коллективлари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг қатор пласмалари қарорларини амалга ошира бориш, Б. И. Ленин тугилган кунининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг қўлчи қилиш, чорва қишлоқини уюшқоқлик билан ўтказганликларини, чорва моллари бош сонини қўлга киритиш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни қўлга киритишга эришганликларини қайд қилди.

Тошкент области, Калинин ва Тошкент районлари, Калинин районидаги «Расцвет» ва «Хасков» совхозлари, Янгийўл районидagi «Коммунизм» колхозини, Тошкент районидagi Навоий номи колхозини, Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институтини «Красный дождь» экспериментал базаси 1979—1980 йиллар қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни қўлга киритиш юзасидан ўтааълоқ Бутунити-фоқ социалистик мусобақаси қўлиб бўлиди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВПСР ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Пискент райони, Калинин районидagi Окубобоев номи ва «Назарбек» совхозлари, Ғалаба районидagi Волков номи совхоз, Чиноз районидagi «Чиноз» наслик совхоз-техникуми ва Бўстонлиқ районидagi Фрунзе номи колхоз республика социалистик мусобақасида қўлиб бўлиди.

Бўка райони, Бекобод райони, Янгийўл райони, Пискент районидagi «Гулистон» колхозини, Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхозини, Янгийўл районидagi «Интернационал» колхозини, Бўка районидagi Ҳамза номи колхозини, Охангори районидagi Тошкент от заводи, Бўстонлиқ районидagi «Бўстонлиқ» совхозини, Бекобод районидagi «КПСС XXV съезд» совхозини, Бекобод районидagi Мавлонов номи совхозини, Парент районидagi «Верхний Чирчик» совхозини, Оқўрғон район колхозлараро бўрдончилик базасини, Ғалаба районидagi Ўрта Чирчиқ бўрдончилик пунктини, Калинин районидagi «Қорасу» давлат насликчи паррандачилик заводи.

Тошкент, Калинин ва бoshqa район ҳамда хўжаликларнинг меҳнаткашлари ҳамма турдаги чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатта топириш юзасидан ўзининг беш йиллик топиригини мўддатдан илгари бажариш, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш ташаббуси билан чиқдилар.

Област партия комитети, области ижроия комитети, области касабасоюзлари Совети ва области комсомол комитети чорвадорларнинг ва қишлоқ хўжалиги бошқа хўжаликларининг фидокорона меҳнатларини партия, касабасоюз, комсомол ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалик органларининг чорвачиликни жадал ривожлантириш соҳасида белгилаган тадбирларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган актив фаолиятларини рағбатланиш ва хўжаликларнинг 1979—1980 йиллар қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни қўлга киритиш соҳасидаги мусобақаси қўлиб бўлиди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг қўлчи қилишга, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Област партия комитети, области ижроия комитети, области касабасоюзлари Совети ва области комсомол комитети области социалистик мусобақаси қўлиб бўлиган чорвачилик хўжаликларини қизгин табириқлайдилар ва области қишлоқ меҳнаткашлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатта топириш юзасидан қўлиб бўлиди.

Област партия комитети, области ижроия комитети, области касабасоюзлари Совети ва области комсомол комитети области социалистик мусобақаси қўлиб бўлиган чорвачилик хўжаликларини қизгин табириқлайдилар ва области қишлоқ меҳнаткашлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатта топириш юзасидан қўлиб бўлиди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 15 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЎЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буй, туртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилган, бешинчи устун — мавсум бошидан буй (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобиди)

Янгийўл	1,77	8,91	0,29	0,57
Бекобод	1,73	7,57	0,84	1,36
Пискент	1,50	7,17	0,86	1,85
Бўка	1,85	7,15	1,53	2,62
Оқўрғон	1,30	5,79	0,25	0,25
Чиноз	1,50	5,00	0,18	0,18
Ғалаба	1,28	2,95	0,80	1,31
Коммунистик	1,00	2,81	—	—
Ўрта Чирчиқ	0,71	2,56	0,34	0,52
Област бўйича:	1,43	5,61	0,66	1,10

ДАСТЛАБКИ

ҒАЛАБА

КАЛИНИН РАЙОНИ САБЗАВОТКОРЛАРИ ПЛАНИ БАЖАРДИЛАР

Калинин районининг азамат қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Улар КПСС XXVI съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасида актив қатнашиб, 15 сентябрда давлатта картошка сотин буйича зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Шунингдек, давлатта сабзавот, хўл мева сотин планларини ҳам муваффақиятли адо этилди. Ҳозирги кунга қадар йиллик ҳажмидаги 6200 тонна ўрнича 9500 тонна картошка, 89250 тонна ўрнича 89300 тонна сабзавот, 4650 тонна ўрнича 5050 тонна хўл мева етказиб берилди. Ғалаба, шилла тайёрлаш планлари ва мажбуриятлари анча ортиги билан адо этилди.

Бу муваффақиятга Оржоникиде номи, «Партия XX съезди», «Москва» колхозлари, «Партия XXI съезди», «Хасков» совхозлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район чорвадорлари ҳам юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар, 8 ойлик гўшт, сут, тухум, жул планлари ҳам анча охириб бажарилди. Маҳсулдорлик ошди.

Районда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ривожланиб бормоқда.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб қўриб, бу йил давлатта сотиладиган сабзавот маҳсулотларини 125 миң тоннага етказиш мажбуриятини олган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

• ҲАТТИ ТУРТА МАШИНАНИНГ ҲАР БИРИ КУНИГА 10 ТОННАДАН ОШИРИБ «ОҚ ОЛТИН» ТЕРА. ЙИТИ.

• КҮНЛИК ҲСИШ САЛКАМ 6 ПРОЦЕНТ.

• РЕКОРД КҮРСАТКИЧ.

Қишлоқ кўчаларини тўлдириб «зангори кема»лар бериб борапти. Уларга стартер ўрнатилди. Ҳозир тўғри пайкаларга кириди. Олдиндаги машинани доғдор механик-ҳайдовчи Тўйчи Токиев бошқариб келипти. Машина мотори текис гувилайди. Мовий бункери кўш нурда ярираб қўни олади.

Тўйчи аканинг машина рулига ўтирганига анчагина вақт бўлиб қолди. Ҳар йили пўлат этаклардан тонна тонна «оқ олтин» тўкиб, ҳам қишлоқларини қўйил қолдирипти. Уларни йили ҳам мавсумда тиним билмай ишлатди. 226 тонна бункердан тўқди. Бунинг эвазига «Москвич» енгил автомашина билан тақдирланди.

ОҚ КАРВОН

дан тўкишга сўз бердилар. Пахтакорлар ҳар йили ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига давлатта кўпроқ «оқ олтин» етказиб беришни мақсад қилиб олишган. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 35,6 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган эди. Бу йили марра 40 центнер. Яили ҳосилини 3760 тоннага етказиш учун кураш бошланди.

Ҳадемай биз ўн биринчи беш йиллик ҳисобидан пахта топиришига киришамиз. — сўзбаша қўшилди бош агроном Султонмурод Қодиров. — Давлатта 800 тонна «оқ олтин» етказиб бермас эгаламади. Ҳозир қўл терим авянда. Йиллик ланининг бир процетидан охириб пахта топирашамиз. Бутун-ерта машиналар ҳам етказишга теримга тушди. Шунда суръат яна ҳам ошди.

Биринчи бўлиб маррага Иброҳимжон Отахонов бошлиқ 10-бригада пахтакорлари қишлоқда терим суръатини қишлоқда келмоқдалар. Бригадада терим суръатини соат сайин охириб бормоқда. Ҳар беш кунлик якуни бўйича улар шарафига меҳнат шухрати байроғи кўтарилди.

ЛАВ ҲА

тошлоқ ерларни ўзлаштиришга олган эди. Меҳнатнинг зўри билан 60 гектар ер ўзлаштирилди, эрта баҳорда чигит екилди. Ер янги бўлганлиги учун ҳам бу йили план 22 центнердан қилиб белгиланди. Лекин ашлар имкониятларини чамалаб чиқиб, гектар бошига 30 центнердан «оқ олтин» топиришга сўз берди.

Улардан ўрнатилган бошқа бригада аъзолари ҳам ҳосилдорлигини ошириш, давлатта кўпроқ пахта етказиб бериш чораларини кўрмоқдалар. 2, 9-бригада шоввозлари бор имкониятларини ишга солиб, мўлжалладиган 3—4 центнер кўп ҳосил тўпладилар. Улар гектар бошига 45 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш ниятладилар.

Ж. НОСИРОВ,
Пискент районидagi
Тельман номи колхоз.

РЕДАКЦИЈАДАН: ушбу лавҳа верстка қилинганда кўп колхоз партия комитетининг секретари Умурзоқ Душаев пахта штабига телефон қилиб машина теримини етказишга бошланганлигини маълум қилди.

Биринчи кун мавжуд машиналарнинг 14 таси ишлаб, 135 тонна пахта терди. Бир кунлик ўшш йиллик планга нисбатан салкам 6 процетини ташкил этди. Айниқса, Абдулмонноф Қўшаев бошқарган машина унумли ишлади. У 16 тонна пахта териб берди.

Колхозда терим суръатини соат сайин охириб бормоқда. Азаматлар ой охиригача план ва мажбуриятини бажариш учун курашмоқдалар.

